

Ходимларнинг жисмоний тайёргарлиги ва амалий кўникмалари синовдан ўтказилди

// 14.10.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/xodimlarning-zhismoniy-tayyorgarligi-va-amaliy-kunikmalari-s>



Фавқулудда ҳолат вақт, жой танламайди. Ишлаб чиқариш жараёнидаги кўнгилсизликларнинг олдини олиш муҳим вазифа. Кутилмаган вазиятларда эса тўғри қарор қабул қилиш ва тезкорлик билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Корхонанинг ҳарбийлаштирилган газдан қутқарув отряди ходимлари иштирокида 911-цеҳда бўлиб ўтган навбатдаги ўқув амалий машғулоти ҳам фавқулудда вазиятларга шайликни оширишга қаратилди.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги авария ҳолати натижасида кимёвий захарланиш кузатилганда соҳа вакиллари амалга оширадиган ҳатти-ҳаракат синовдан ўтди.

Машғулотга махсус транспорт воситалари ҳам жалб этилди.





«НАВОЙАЗОТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ